

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 1778-2
2019 yil 6 noyabr



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XALQ TAЪLIMI VAZIRINING БУЙРУҒИ

Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3931-сон “Халқ таълими тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сон “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ҳамда 2019 йил 24 июлдаги 620-сон “Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартибини такомиллаштириш ҳақида”ги қарорларига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2008 йил 4 мартдаги 56-сон буйруғи (рўйхат рақами 1778, 2008 йил 20 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 12-13-сон, 78-модда) билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Халқ таълими вазири

Ш. Шерматов

Тошкент ш.,
2019 йил “10” октябрь,
13-МҚ-сон



Ўзбекистон Республикаси
халқ таълими вазирининг
2019 йил 10 октябрдаги
13-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат
аттестацияси тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар
ва қўшимча**

1. 11, 33-бандлар, 38-банднинг биринчи хатбошидаги “халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари” деган сўзлар “туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 32-бандда:

биринчи хатбошидаги “халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларида” деган сўзлар “туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларида” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими” деган сўзлар “туман (шаҳар) халқ таълими бўлими” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 34-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш – Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.”.

4. 37-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“37. Фанларни ижобий ўзлаштираётган битирувчилар якуний аттестациядан туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари буйруқлари асосида қуйидаги ҳолларда қисман ёки бутунлай озод этиладилар:

Мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ тасдиқланган якуний аттестациядан озод қилиш мумкин бўлган касалликларга асосан;”.

5. Низом мазкур ўзгартиришлар ва қўшимчанинг иловасига мувофиқ таҳрирдаги илова билан тўлдирилсин.

6. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. Шадманов

2019 йил “ 9 ”



Умумий ўрта таълим олувчиларнинг
яқуний давлат аттестацияси тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартиришлар
ва қўшимчага
ИЛОВА

“Умумий ўрта таълим олувчиларнинг
яқуний давлат аттестацияси
тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Битирувчиларни яқуний давлат аттестациясидан озод қилиш
ҳуқуқини берувчи касалликлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Касаллик шифри	Касалликнинг номи
1.	A01	Тиф (терлама) ва паратиф
2.	A05.01	Ботулизм
3.	A15-19	Сил касаллиги (ўпкада ва бошқа аъзоларда тез ривожланиб борувчи)
4.	A23	Бруцеллёз
5.	A39	Менингококкли инфекция
6.	A80	Полиоелит (жиддий асоратлари қолган тақдирда)
7.	A87 G00.8	Марказий нерв системасининг яллиғланиш касалликлари (вирусли менингит)
8.	B15, B17.2	Ўткир гепатит А, Е
9.	B16, B17.0, B17.1	Ўткир гепатит В, С, D
10.	B18	Сурункали вирусли гепатитлар (оғир турлари)
11.	B20-B24	Одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ) келтириб чиқарадиган касалликлар (3-4-клиник босқичи)
12.	C00-C97	Хавфли ўсмалар
13.	D50-D69	Камқонлик (оғир шакли) Қон ва қон яратувчи органлар касалликлари: гемофилия (ўртача ва оғир шакли); турлича бўлган анемияларнинг оғир шакли; орттирилган камқонликлар; капилляротоксикоз; идиопатик тромбоцитопеник пурпура; тромбоцитопатия (оғир турлари); Виллибранд касаллиги ва бошқа гемостаз бузилиши билан боғлиқ касалликлар; Ўткир ва сурункалилейкозларнинг ҳамма турлари; Наслий гемолитик кам қонликларнинг ҳамма турлари
14.	E10-E14	Қандли диабет
15.	E23.2	Қандсиз диабет



16.	E05	Тиреотоксикоз (ўртача ва оғир даражаси)
17.	E00-E03.9	Қалқонсимон без касалликлари, гипотиреоз (оғир даражаси)
18.	E21	Гиперпаратиреоз ва қалқонсимон олди безнинг бошқа бузилишлари (оғир даражаси)
19.	E84	Муковисцидоз, аралаш шакли, оғир тури
20.	F00-F09	Органик, симптоматик бузилишларни қамраб олган рухий касалликлар
21.	F20-F39	Шизофрения ва келиб чиқиши турлича бўлган ўткир рухий касалликлар
22.	F40-F48.9	Стресс асоратлари ва неврологик бузилишлар: неврозлар, невроз сифат ҳолатлар, реактив ҳолатларнинг ўткир ва рухий мувозанати бузилган даври, қаттиқ дудукланиш
23.	G93	Бош миyaning шикастланишлари
24.	G40-G41	Эпилепсия. Эпилептик статус
25.	G90	Вегетатив нерв системаси бузилишлари: ангиоспазм, қон томирлар фаолияти танглиги, хушдан кетиш ва бошқа оғир кўринишлари билан кечадиган яққол вегетатив бузилишларнинг шакллари
26.	H52	Рефракция ва аккомодациянинг бузилишлари. Кўз тубида дистрофик ўзгаришлар юз беришибилан тез ривожланиб боровчи кўриш ожизлиги
27.	H30-H36	Тўр (томирли) парда касалликлари
28.	H46-H48	Кўриш нерви ва кўриш йўллари касалликлари
29.	H40-H42	Глаукома
30.	I00-I02	Ўткир ревматоид иситма
31.	I10-I15	Қон босими ошиши билан характерланувчи касалликлар
32.	I05-I09	Юрак сурункали ревматик касалликлари
33.	Q20-25	Қон айланиш системаси туғма аномалиялари (ривожланиш нуқсонлари)
34.	J44	Бошқа сурункали обструктив ўпка касалликлари
35.	J45	Астма
36.	J47	Бронхоэктатик касаллик
37.	J90-K94	Плеврит
38.	K25-K26	Ошқозон ва ўникки бармоқли ичак яраси
39.	K35	Кўричак (операциядан сўнг)
40.	K40-K46	Чурра (операциядан сўнг)
41.	K51	Носпецифик ярали колит (зўриқиш даври)
42.	K56	Паралитик илеус ва чуррасиз ичак тугилиши
43.	K50	Крон касаллиги
44.	K74.6	Жигар циррози (декомпенсация даври)
45.	№ 00, № 01	Ўткир диффузли гломерулонефрит
46.	№ 03	Сурункали нефритлар
47.	№ 11	Сийдикда жиддий ўзгаришлар билан қайталаб турадиган пиелонефрит (буйраклар фаолиятининг сақланиши)
48.	№ 11	Сийдикда жиддий ўзгаришлар билан қайталаб турадиган пиелонефрит (буйраклар функциясининг бузилиши)



49.	L20, L23, L25- L27	Экзема (ёйилиб кетганда) ванейродерматит (яққол кўриниб турганда)
50.	Q80	Туғма ихтиоз
51.	L53	Бошқа эритематоз ҳолатлар
52.	M30-M36	Бириктирувчи тўқима система шикастланишлари
53.	M05-M14	Яллиғланиш полиартропатиялари
54.	S50-S59	Тирсак ва билак-кафт усти жароҳатлари
55.	S60-S69	Билак-кафт усти ва қўл панжаси жароҳатлари
56.	S80-S89	Тизза ва болдир жароҳатлари
57.	S90-S99	Ошиқ-болдир бўғими ва оёқ кафти соҳаси жароҳатлари
58.	S00-S05, S12, S22, S32-S33	Бош суяги, умуртқа ва бел суягининг синиши
59.	A36-38, B01, B05, B06, B26, B27	Болаларнинг юқумли касалликлари

Изоҳ: мазкур Рўйхатда белгиланган касалликлар ўқувчиларни синфдан синфга кўчириш имтиҳонларидан озод қилишда ҳам татбиқ этилади.”.

